



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергaнов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Икромжон Ибрагимович Умаров,
Термиз Давлат университети
Email: lochin-umarov@mail.ru

КУХИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ХУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

For citation: Ikromjon I. Umarov, TERRITORIAL FEATURES OF THE LOCATION OF THE KUSHITANGTOG KISHLAKS AND THE ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.161-173

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485326>

АННОТАЦИЯ

Кўхитангтоғ қишлоқлари XIX аср охири – XX аср бошларида Бойсун беклигидаги Дарбанд, Хатак ва Пошхурд амлоқдорликлари таркибига кирган. Кўхитанг тоғидаги асосий сув манбалари, суғорма ва лалми ерлари Хатаксой, Пошхурдсой ва Коризот водийларида жойлашган. XX асрнинг биринчи ярмида тоғ қишлоқларида аҳоли зич яшаганлигидан ҳукумат томонидан янги ўзлаштирилган ерларга тез-тез кўчирилиб турилган. Ушбу мақолада Кўхитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари ва аҳолининг этник таркиби ёритилади.

Калит сўзлар: Кўхитанг, Дарбанд, Хатак, Пошхурд, амлоқдорлик, ер-сув ислоҳотлари.

Икромжон Ибрагимович Умаров,
Термезский государственный университет

ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАСПОЛОЖЕНИЯ КИШЛАКОВ КУХИТАНГТОГ И ЭТНИЧЕСКИЙ СОСТАВ НАСЕЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В конце XIX – начале XX в.в. кишлаки Кухитангтог входили в состав Дарбандской, Хатакской и Пошхурдской амлякдарств Байсунского бекства. Основные водные источники, орошаемые и богарные земли горы Кухитанг расположены в долинах Хатаксой, Пошхурдсой и Коризот. В первой половине XX века из-за плотной заселённости горных кишлаков, со стороны правительства, жителей часто переселяли на новые освоенные земли. В данной статье описываются территориальные особенности расположения кишлаков Кухитангтог и этнический состав населения.

Ключевые слова: Кухитанг, Дарбанд, Хатак, Пошхурд, амлякдарство, земельно-водные реформы.

Ikromjon I. Umarov,
Termez State University

TERRITORIAL FEATURES OF THE LOCATION OF THE KUSHITANGTOG KISHLAKS AND THE ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION

ABSTRACT

In the late XIX – early XX centuries. kishlaks Kuhitangtog were part of the Darband, Khatak and Poshkhurd amlyakdarstvos of Baysun beystvo. The main water sources, irrigated and rainfed lands of Mount Kuhitang are located in the Khataksoy, Poshkhurds soy and Korizot valleys. In the first half of the twentieth century, due to the dense population of mountain villages, by the government, residents were often relocated to new developed lands. This article describes the territorial features of the location of the villages of Kuhitangtog and the ethnic composition of the population.

Index Terms: Kuhitang, Darband, Khatak, Poshkhurd, amlyakdar, land and water reforms.

1. Долзарблиги:

Янги Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмушини янада юксалтириш, қишлоқларни замонавийлаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавжуд қишлоқларнинг ўтмиши ва ҳозирги кунини тарихий-этнографик жиҳатдан таққослаш эса, янги дастурлар яратилишига асос бўлмоқда. Шу билан бирга, бу ҳудудда аҳоли кўп асрлардан буён яшаб келмоқда. Неандертал одам манзилгоҳлари Хатакдан топилган. Тош асрига оид Зараутсой қоятош суратлари ҳам айнан шу ҳудудда жойлашган. Пошхурд яқинидаги Тиллабулоқ ва Орабулоқ тепаликлари бағрида милoddan олдинги XX – XIX асрларга оид бронза даври аҳоли манзилгоҳлари аниқланган. Кўхитанг тоғидаги Узундара, Чўянкон, Чўянтумшук, Пошхурд, Тангидевон, Совурачча, Лўнгитепа, Бобурқўрғон, Келитош қўрғонларидек тарихий ёдгорликлар турли даврларда асос солинган аҳоли пунктлари саналади. Эътиборли жиҳати, Кўхитангтоғ қишлоқлари Ўзбекистон жанубидаги ўзига хос тарихий-этнографик минтақа бўлиб, унда моддий ва номоддий маданиятнинг ноёб намуналари сақланиб қолган. Тоғ қишлоқларининг ҳудудий жойлашуви ва аҳолисининг этник таркибини илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари ҳали тўлиқ амалга оширилган эмас. Бу эса, ушбу мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Кўхитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари ва аҳолининг этник таркиби тўғрисида маълумот берилди.

Кўхитангтоғ қишлоқларининг жойлашуви ва аҳолининг этник таркиби тўғрисидаги илк тадқиқотлар XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб рус олимлари, элчилари ва ҳарбийлари томонидан амалга оширилган. Улардан Н.Маев, Н.Покотило, И.Мушкетов, И.Яворский, Л.Костенко, И.Гейер ва Д.Логофетларнинг асарларини кўрсатишимиз мумкин. Мазкур тадқиқотларда кўпроқ чор Россиясининг сиёсий мақсадлари кўзланган бўлиб, келгусидаги ҳарбий ҳаракатлар учун маълумотлар йиғишдан иборат бўлган. Шунга қарамай, улар Кўхитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари ва аҳолининг этник таркибини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

XX аср ўрталаридан бошлаб Сурхон воҳаси, шу жумладан, Кўхитангтоғ қишлоқларида бир қатор этнографик тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, К.Л.Задихина, Б.Х.Кармишева, Н.А.Кисляков томонидан ўтказилган изланишлар натижасида ҳудуд аҳолисининг этник таркиби, антропологияси, уруғларга бўлиниши ва деҳқончилик тақвимлари билан боғлиқ қимматли маълумотлар тўпланди.

Мустақиллик йилларида эса О.Бўриев, А.Қаюмов, М.Азимов, М.Жўраев сингари тадқиқотчилар Ўзбекистон жанубий ҳудудларида аҳолининг этник жойлашуви, уруғларнинг келиб чиқиши, анъанавий халқ тақвимлари хусусида илмий изланишларни амалга оширишди. Уларнинг ишлари олдинги тадқиқотчилардан фарқли равишда тавсифийликдан кўра кўпроқ

илмий таҳлил билан ажралиб туради. С.Турсунов ва Т.Пардаев каби олимларнинг ишлари эса алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, уларнинг тадқиқотларида Кўхитангтоғ қишлоқларининг жойлашуви, сув манбалари ва аҳолининг этник таркиби бўйича кўпгина маълумотлар келтирилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Кўхитанг тоғи шимолда Бойсунтоғ ва жанубда Амударёга қадар чўзилган йирик тоғ тизмасидир. Кўхитанг сўзи кўх (форс-тожикча – «тоғ», ва танг (форс-тожикча – тор, сиқик) сўзларидан олиниб, «эни қисқа, тор тоғ» маъносини билдиради. Энг юқори нуктаси Айрибобо чўккиси саналади. У денгиз сатҳидан 3137 метр баландликда жойлашган.

Кўхитанг тоғидаги қишлоқларни географик жиҳатдан шимолий, марказий ва жанубий қисмларга бўлиш мумкин. Шимолий қисми Шўробдан то Мунчоққача бўлган қисмларни ўз ичига олади. XX аср бошларида бу қишлоқлар Дарбанд амлоқдорлиги таркибига кирган [1]. Унда Шўроб, Сайроб ва Мунчоқ қишлоқлари жойлашган. Кўхитангтоғнинг энг шимолий қисмида Шўроб қишлоғи жойлашган бўлиб, бугунги кунда Шифобулоқ маҳалласи деб аталади. Ушбу маҳалла Паттали, Сариосиё, Қоработқоқ ҳамда Гўрҳажи (эски номи Гўрдара) қишлоқларидан ташкил топган. Уларда кўнғиротларнинг тортувли уруғи яшайди.

Сайроб – Кўхитанг тоғининг шимоли-шарқидаги қишлоқ. Совет ҳокимияти ўрнатилганда Сайроб қишлоғи Дарбанд волости таркибида бўлган ва унда 110 хўжалик яшаган [2]. 1957 йилда Сайроб тўккиз қишлоқдан иборат бўлиб, шундан иккитасида эшонлар ва хўжалар, қолган еттитасида келдик, мардони, арбоби ва етти уруғ деб аталувчи тожик-чиғатой уруғлари жойлашган [3].

Н.А.Кисляковнинг ёзишича, Сайроб – Илолик, Кабути, Ганда, Қапчиғай, Чинор, Пойқум, Қалақўрғон, Қизилжар, Қудуқ, Қалаи Мушкул, Обгир, Минжоқ ва Бодомчилик сингари 13 та қишлоқдан таркиб топиб, унда 175 хўжалик яшаган. Дастлабки беш қишлоқда сой юқориси бўйлаб тожикларнинг Нимдаха тўдасининг келдик ва мардони уруғлари, қолган қишлоқларда Туркони тўдасининг эттуруқ ва арбоб уруғлари ўрнашган [4].

Мунчоқ – Кўхитангтоғнинг шимоли-шарқидаги қишлоқ. Н.А.Маев томонидан Мунч-қишлоқ шаклида ёзилган [5]. XX аср бошларида Дарбанд амлоқдорлиги таркибида бўлган [6]. 1926 йилги аҳоли рўйхати чоғида Мунчоқ қишлоқ кенгашига Азикент, Мунчоқ, Бешэркак ҳамда Узунқудуқ қишлоқлари кириши ва аҳолиси 153 хўжалиқдан иборат эканлиги қайд этилган [7]. Қишлоқда ўзбек-кўнғиротлар яшайди.

Кўхитанг тизмасининг марказий қисмларидаги Панжобсой, Узунсой ва Хўжанқон водийларида 20 та қишлоқ жойлашган. XX аср бошларида бу қишлоқлар Хатак амлоқдорлиги таркибида бўлган. Хатак амлоқдорлиги Бойсун беклигининг энг йирик маъмурий бирикмаси саналиб, Бузғалахона (Темир дарвоза) дан то Шеробод шимолидаги Нондаҳанагача бўлган ерларни ўз ичига олган эди. Амлоқдорлик таркибига Сарой (ҳозирги Чилонзор), Калламосор, Лойлиқ (эски Ашурхилват), Панжоб, Газак, Хомкон, Тангидевон, Хатак, Боғлидара, Лайлаган, Хўжаиғор, Эгарчи, Калапўшқия, Бедак, Чоҳак, Зараутсой, Ёриқсой, Чинор, Хўжаулкан, Ғуржак ҳамда Хўжанқон қишлоқлари кирган.

Чилонзор – Шерободдарёнинг ғарбий қирғоғида жойлашган қишлоқ. XIX аср охири – XX бошларида бу ердан карвон йўли ўтганлиги боис йўл устида катта карвонсарой бунёд этилиб, халқ томонидан Сарой деб аталган. 1930-йилларга келганда Чилонзор номини олган.

1930-1950 йиллардаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар – жамоалаштириш ва аҳолини кўриқ ерларга кўчирилиши чоғида Хомкон аҳолиси Чилонзорга кўчиб келган. Бугунги кунда Чилонзор бўлак маҳаллага айлантирилиб, унга Хомкон, Узунқудуқ ва Бешэркак қишлоқлари ҳам киритилган. Асосий сув манбаси Шерободдарёдир. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолиси Тутлисой, Сувлисой, Войвойсой ва Томчикамар булоқларидан фойдаланади.

Панжоб – Кўхитанг тоғининг марказида жойлашган. Ичкари ва Ташқи Панжобдан иборат. Панжобдан шимолда Сувсизтоғ бошланади. Аҳолиси тожик-чиғатойлардир.

1886 йилда Сурхон воҳасида бўлган капитан Н.Н.Покотило Пошхурд беклиги таркибида Панжоб амлоқдорлиги бўлганлигини қайд этади [8]. XX аср бошларига келиб ушбу маъмурий бирлик тугатилиб, Хатак амлоқдорлигига қўшиб юборилган [9]. 1926 йилда Сайроб

қишлоқ кенгаши таркибига киритилган. Шу йилги аҳоли рўйхати чоғида Панжобда 320 хўжалик яшаши қайд этилган [10].

Панжоб қишлоғида кўпгина булоқлар бор. Хомкон қишлоғидаги туз конлари ичидан чиқадиган жилғалар сувни шўр қилади. Шу сабаб Панжобсой сувлаш ва ичиш учун яроқсиз. Дехқончиликда Ҳазорхона, Бинирез, Качдара, Камарак ва Товсанг булоқлари ишлатилади. Панжоб номи ҳам ана шу булоқ сувларининг бўлак ариқларда оқишидан, яъни беш сув маъносидан келиб чиққан [11]. Ташқи Панжобнинг бошида Эшонбулоқ оқиб чиқади. Суви чучук ва ичимлидир.

Хомкон – Кўхитанг тоғининг ғарбий қисмида жойлашган. Худудда Қизилховуз, Туйнук, Хўжақўчқор ота, Паттали, Шохли, Қирқбешбулоқота, Қизилбулоқ, Ҳовли, Давлаттепа, Катари ва Сарикамиш қишлоқлари мавжуд. 1924 йилги миллий-худудий чегараланиш вақтида Хомконнинг жануби-ғарбий қисмидаги Хўжаифил ва Хўжаахсарота қишлоқлари Туркменистонга ўтиб кетган. 1926 йилги маълумотга кўра, Хомконнинг Қизилбулоқ, Паттали ва Хомкон қишлоқларида 202 хўжалик бўлган [12].

Хомконда кўнғиротларнинг қорақалпоқ ва кўчахўр уруғлари яшайди. Хомконлик қорақалпоқлар норбика, обизбачча, вой-вой, кўса, тўшбойи ва саккиз уруғларига бўлинади. Норбека уруғи Кўчқорбулоқ ерларида, обизбачча – Киршакнинг қуйи қисмида, вой-вой – Туйнук қишлоғида, Шукур авлодлари Киршакнинг юқори қисмида, кўса – Терсоқар ва Кўғолисой ерларида, тўшбойи – Бойназар ва Келитошда, саккиз – Кўктумшук ва Мардайкўнишда ўрнашган.

Кўчахўрлар эса оқмон, кушбеги, зармас ва бековул уруғларига бўлинади. Оқмон уруғи Оқбулоқда, кушбеги – Патталида, зармас – Қизилкамар, Қизилбулоқ, Ғўримулоқда, бековул—Хўжаифил, Хўжа Ахсарота, Сарикамиш ва Катари қишлоқларида яшашади. Кўчахўрлар таркибида яна икки қурама уруғ бўлиб, улар кўхай ва майдақора деб аталади. Улар Кўктумшук ва Шўркўлда туришади. Хомконлик устобачча уруғи эса Шўроб яқинидаги Зарангбулоқ ва Жийдабулоқ (Дехқонобод туманига яқин) ерларида жойлашган [13].

Хомконда етмишдан ортиқ булоқ оқиб чиқади. Жумладан, Охурлисой, Оқбулоқсой, Жийдалисой, Толлисой, Қирқбешбулоқота, Бешбулоқ, Хужаипок булоғи, Осмонбулоқ, Карсонбулоқ, Раҳмонбулоқ, Қизилбулоқ, Ғўримулоқ ва бошқалардир. Худуд ўртасида йирик кўл бор.

Тангидевон – Кўхитанг тоғи марказидаги қишлоқ ва шу номдаги дара. Хатак ва Хомкон оралиғида жойлашган. Тангидевон дараси Кўхитанг тоғини жанубий-шарқдан шимоли-ғарбга йўналтириб, иккига бўлади. Дара жуда баланд, тик қоялардан ташкил топиб, ғоят гўзал манзарани ҳосил қилади. Узунлиги – Хатак қишлоғидан то Бошбулоққа қадар 14 км. Даранинг ўртаси кенгайди. Ана шу ерда юқори ва қуйи боғлар яратилган. XX аср бошларида Тангидевонда учта қишки қишлоқ ва учта ёзги чорбоғ бўлган. Уларни Бош Чорбоғ, Ўрта Чорбоғ ҳамда Қуйи Чорбоғ деб атаганлар [14].

Тангидевондан оқиб ўтадиган сой дара ичидаги Бошбулоқ, Қайнарбулоқ, Тиллабулоқ, Галабулоқ, Арчабулоқ, Қатбулоқ, Қўрғончабулоқ, Достонбулоқ, Ойпарибулоқ, Вазирбулоқ, Кичкинабулоқ, Тутзорбулоқ, Отқулоқ булоғи, Қора Ҳаят булоғи, Чокбулоқ, Бектут булоқ, Жийдалисой булоғи, Шаршарабулоқ, Узумбулоқ, Ўғирчалик булоғи, Кўтармани булоғи ва бошқа кичик-кичик булоқлардан сув олади.

Хатак – Кўхитангнинг шарқий қисмида жойлашган. Бу қишлоқ олдинлари Чорбоқ дейилган. Хатакнинг бошланиш қисми Даҳана, кейингиси Ўрта Чорбоқ, адоғи эса, Жулга деб аталган.

XX аср ўрталарида Хатаксоининг ўнг қирғоғида 9 та, сўл қирғоғида 19 та қишлоқ бўлган. Камида 3-4 та, кўпи билан 20-30 тагача хўжалик яшаган. Ўнг қирғоққа – Каттақишлоқ, Баймоқ, Дўнғқишлоқ, Қумлик, Сулаймон ота, Кўкқат, Сафар бобо, Темир боки, Мулла Карим хатиб ва Дўнғҳаят қишлоқлари кирган. Сўл қирғоқда – Сарой, Ўртақишлоқ, Қизил, Ниёзқишлоқ, Каттасой, Ёнақишлоқ, Кўкқишлоқ, уста Қулсаид бобо, Шерқишлоқ, Сарикники, Туғдона, Ражаб бобо, Шаки, Ашур оқсоқол, Гўзук, Йўлдош бобо, Бахши, Маҳриддин ҳамда Қизилбулоқ қишлоқлари жойлашган [15].

Хатак сув билан яхши таъминланган қишлоқлар сирасига киради. Н.Федоровнинг ёзишича, Тангидевон сойи дарадан чиқиши билан Хатак ва Лайлаган боғларини суғоради... Бу дарё одатдаги (тошқиндан ташқари) вақтда Хатак қишлоғида эни 10 кадам, чуқурлиги эса, 1,5 кадамни ташкил этади. Суви ниҳоятда тоза, тиниқ ва ичимлидир [16]. Соининг ўнг ва сўл томонларида олтитадан ариқ ўтказилган. Боғлар ана шу ариқлар орқали суғорилган.

Хатаксои суви ичишга яроқли бўлса-да, аҳоли ичиш учун Жангмирза, мулла Мўмин, Сулаймон ота, Мулла Курбонбадал, Темирбулоқ, Туғдона, Нон емас, Хонна, Ҳажимаҳмат, Жиллик, Мулла Мухтор, Аҳмадбулоқ, Қосим, Ганда, Каттабулоқ, Қизилбулоқ ва Тошбулоқ сингари булоқлардан фойдаланади.

Боғлидара – Тангидевоннинг жануби, Хатак қишлоғининг ғарбида жойлашган. Боғлидара шимолдан Майданак, шимоли-шарқдан Арал, шимоли-ғарбдан Каттаоғ, жанубдан Дарача тоғлари билан худди девордек ўраб олинган. Боғлидарага жануби-шарқдаги эни 20 – 30 метрли, баландлиги 200 – 300 метрли тор 6 километрли дарадан борилади. Даранинг адоғидаги Етимтоғдан йўл иккига бўлинади. Чапдан асосий боғлар: Қўлдароз, Етимтоғ, Ҳовуз, Қўндаланг, Соибоғ, Чақилқўтон, Қоработур ва Чўлбайирга борилади. Ўнг йўлдан Тошлик юрт ва Бодомли қишлоқларига борилади.

Боғлидарада битта сой, 4 та йирик ва сон-саноксиз майда булоқлар мавжуд. Асосий сойи Олмабулоқсои бўлиб, шу номдаги булоқдан бошланади. Йўлда унга Олчабулоқ, Сафарбулоқ, Совуқбулоқ, Шаршарабулоқ, Авазалибулоқ, Тутбулоқ, Тошбулоқ, Шиварбулоқ ва Қайнарбулоқ сувлари келиб қуйилади.

Лайлаган – мазкур қишлоқ ўз тарихий тараққиёти давомида уч марта жойини ўзгартирган. Биринчиси – қуйи Лайлаган бўлиб, XX аср бошларида Қалламозор ва Ашурхилват (Шеробод шимолидаги Гумдахана ва Нондахана оралиғидаги қишлоқ) деб аталадиган бўлди. Иккинчиси – тоғ Лайлагани. Ички ва ташқи Панжоб оралиғида бўлиб, XX аср бошларида Капакуйди номини олган. Учтинчиси – юқори Лайлаган. Хатак ва Хожайғор оралиғида жойлашган. Хатаксоидан сув ичади [17].

Федоров юқори Лайлаганда чигатой уруғига мансуб ўзбеклар яшашини қайд этади [18]. Б.Х.Кармишевнинг ёзишича, юқори лайлаганликлар Пошхурд ва Қорабоғ қишлоқлари аҳолиси қатори ўзбек тилида сўзлашувчи чигатойлардир. Қорабоғдаги чурчур авлодининг келиб чиқиши билан қариндошлиги бор. Урф-одатлари ва анъаналари тожик чигатойларига яқин бўлиш сабаби бу – уларнинг қадимдан панжобликлар билан ўзаро қиз олиб, қиз берганликлари натижасидир [19].

Ш.Сафаровнинг тадқиқотларига кўра, Юқори Лайлаган аҳолиси элбегилардан ташкил топиб, чалпак ва чурчур уруғларига бўлинади. Чалпак – арал кўзивойники, юсуфники, бадалники, қаландарники, амакники; чурчур эса – шаяр, ўрта кўчали, муғол, оқ шўйрони ва қора шўйрони уруғларидан иборатдир [20].

Элбегилар илгари қуйи ва тоғ Лайлаганида яшашган. Кейинроқ, 1880 йиллардан бошлаб элбегиларнинг айрим бойлари Хатак қишлоғининг Жулга гузаридан хатакилардан ер сотиб ола бошлаган. 1920 – 1925 йиллардаги нотинчликлар натижасида бу жараён янада кучайган ва элбегиларнинг асосий қисми юқори Лайлаганга кўчиб келишган.

Хўжайғор – Лайлаган ва Эгарчи оралиғидаги қишлоқ. Қишлоқда хомконлик қўнғиротларнинг войвой, кўса, саккиз ва норбика уруғлари яшайди. Хўжайғорда битта булоқ бор. Қишлоқ ўртасидан Хатаксои оқиб ўтади.

Эгарчи – Тошкент–Термиз автомобил йўлининг Хатак томон бурилишидаги биринчи қишлоқ. Эгарчидан сўнг сой бўйлаб Хўжайғор, Лайлаган, Хатак ҳамда Тангидевон қишлоқлари жойлашган. Қишлоқда қорақўк уруғи яшайди.

Қалламозор – Шерободдарёнинг сўл қирғоғида жойлашган қишлоқ. Бу ер илгарилари қуйи Лайлаган деб аталган. XX аср бошларидан Қалламозор номини олган. Қалламозорнинг юқори қисмида кўчахўрларнинг кўхай уруғи жойлашган. Қишлоқнинг қолган қисмларида кўса, войвой, олтинбош, санчкули, ўювли уруғлари, қашқадарёлик сарой уруғи, шунингдек, хатакилар, қорақўқлар, элбегилар яшашади. Кўса, войвой ва олтинбош уруғлари Хомкондан кўчиб келган қўнғиротларга мансубдирлар.

XX аср ўрталарида Шерободдарёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар ўзлаштирилиши натижасида Гулистон қишлоғи вужудга келган. Унинг аҳолисини калламозорликлар ташкил этган. Шу боис ҳар икки қишлоқ битта маҳаллага бирлаштирилган ва унга Гулистон номи берилган.

Хўжанқон – Хатакдан тахминан 10 км жануби-ғарбда жойлашган. Қишлоқ атамаси шу номдаги зиёратгоҳдан олинган. Хўжанқон юқори ва қуйи қишлоқлардан ташкил топган. Унинг юқори қисми илгари Тоғли водий деб аталган. Хўжанқон ерлари тўртта булоқ – Толбулоқ, Чўчкабулоқ, Жийдабулоқ ва Лочинбулоқдан сув олади. Лочинбулоқ суви махсус қувурлар орқали ўқувчилар лагерига олиб келинган.

Ёриқсой – Хўжанқон қишлоғининг йўлдош аҳоли турар жойи. Сўл томони Зараутсой, тепаси Кўҳитангтоғ, Қўрчиқ, бош томонида – Новқишлоқ, ўнг томонда – Хўжанқон. Катта ва узун сойликнинг икки бетида 500 – 600 оила яшаши учун имконият бўладиган кенгиш юрт. Ёриқсой текис сойлик эмас. Лойсувоқ уйлар, тошдевор иморатлар, қизил, яшил шиферли томлари бўлган замонавий уйлар бор. Ҳозир бу ерда одамлар муқим ҳаёт кечирадилар. Илгарилари аҳоли қиш-қировли кунлар – ноябрь ойидан то февраль охиригача Ёриқсойда яшашган ва кейин турли овулларга, сўнгра ёзлаш учун Хўжанқонга кўчиб кетишган. 2 та булоғи ҳамда 2 та чуқур қудуғи бор. Ёриқсой сувидан экин экилади [21].

Бедак – Хўжанқондан тахминан 4 км шарқда жойлашган. Битта булоғи бўлиб, 20 – 30 хўжаликни бемалол сув билан таъминлайди. Бедак аҳолиси 1950 йилда ёппасига чўлга кўчирилган. Кейинроқ аҳоли яна қайтиб кела бошлаган. Абдуқаҳҳор ва Абдулазим Тошматовлар ташаббуси билан Бедакда ободончилик ишлари бошлаб юборилган.

Бедакдан жанубда Ғуржак ва Хўжаулкан қишлоқлари жойлашган. Ғуржакда қўнғиротларнинг санчули уруғи, Хўжаулканда ўювли уруғи яшайди. Бу ердаги мавжуд булоқлар сувидан экинлар ва чорвани сувлаш учун ишлатилади.

Юқорида қайд қилинган қишлоқлардан Боғлидара, Тангидевон, Хатак, Бедак, Хўжанқон, Калапўшқия, Зараутсой, Чинор, Ёриқсой ва Чоҳак қишлоқларида ўзбек-қатағонларининг хатаки уруғи яшаган. Кўҳитангтоғ тизмасида улар энг кўп сонли уруғ бўлишган. Шу сабаб улар яшаган жойлар Хатак қишлоқлари деб аталган. Хатаки-қатағонлар ўртасида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида уларнинг баймоқники, хидирники, шерники, кўчакники, шомухаммадники, чизимники, ниёзники, гўзикники, маҳридинники, ковакники, асадники, бахшиники, нағматники, бозорники, бозингарники, бобожонники каби 16 та ота уруғдан иборатлиги аниқланган [22].

Бухоро амирлиги ағдарилганидан кейин Хатак амлоқдорлиги кентликка айлантирилиб, Шеробод вилояти таркибига киритилган. 1924 йилги аҳоли рўйхати чоғида Хатак кентлигида 9285 киши яшаганлиги аниқланган [23].

Ўзбекистон ССР ташкил этилгач (1925 йил) Хатак кентлиги волостга айлантирилади. Унга амлоқдорлик давридаги барча қишлоқлар киритилган. Волост Калламозор, Лайлаган, Хўжанқон, Хўжаулкан, Хомкон ва Хатак қишлоқ кенгашларига бўлинган. 1926 йилги аҳоли рўйхати вақтида волост аҳолиси 1497 хўжаликдан иборат эканлиги ва уларнинг барчаси ўзбек миллатига мансублиги қайд этилган [24]. Тадқиқотларга кўра, Хатак ва Хўжанқон қишлоқ кенгашлари аҳолиси хатакилар (575 хўжалик), Калламозор, Хомкон, Хўжаулкан қишлоқ кенгашлари таркибидаги қишлоқлари қўнғиротлар (627 хўжалик), Лайлаган қишлоғи элбегилардан (295 хўжалик) иборат бўлган [25].

1991 йилда Ш.Сафаров (1929-1997) томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, хатакилар 3598 хўжалик ва 17901 жондан иборатлиги, шундан 926 киши олий, 1207 киши ўрта махсус маълумотли, 390 киши эса олий ва ўрта махсус билим юрти талабалари эканлиги аниқланди [26].

Кўҳитангнинг жанубий қисмида йирик деҳқончилик воҳаси – Пошхурд водийси жойлашган. Тарихий манбаларда Пошхурд илк марта XVIII аср бошларида учрайди [27]. Бухоро хонлиги инқирозидан сўнг Пошхурд беклиги ташкил этилган. Қишлоқда бекнинг кўрғони бўлган. Н.А.Маев қишлоқни Баш-хурд шаклида тилга олиб, Кўҳитанг тоғининг жанубий қисмини Бошхурд тоғлари сифатида қайд этади [28]. XIX аср иккинчи ярмида

Пошхурд беклиги бутун Кўхитанг тизмасида ўз назоратини ўрнатган йирик маъмурий бирикма эди. Капитан Покотилонинг қайд этишича, 1886 йилда бекликдаги 7000 хўжаликда 20000 киши яшаган бўлиб, Дарбанд, Панжоб ва Пошхурд амлоқдорликларидан иборат бўлган [29].

XX аср бошларига келганда Пошхурд беклиги тугатилиб, унинг ерлари Бойсун беклигига қўшиб юборилган. Бу даврда Пошхурд билан Зарабоғ алоҳида амлоқдорлик бўлишган. 1916 йилги Бухоро амирлигининг маъмурий бўлиниши тўғрисидаги манбаларда ёзилишича, Зарабоғ амлоқдорлиги тугатилиб, унинг ерлари Пошхурд амлоқдорлигига берилган. 1916-1920 йилларга қадар амлоқдорлик таркибига Пошхурд, Майдон, Кайрит, Қорабоғ, Зарабоғ, Шержон, Кампиртепа, Қизилолма, Вандоб, Коризот ва Шалқон қишлоқлари кирган [30].

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, Пошхурд амлоқдорлиги ўрнига волост ташкил этилган ва Шеробод уездига киритилган. 1924 йилги аҳоли рўйхати чоғида Пошхурд волостида 9715 киши яшаши аниқланган [31]. 1926 йилги рўйхатда Пошхурд қишлоғи аҳолиси Куюқчинор ва Чакоп билан бирга 674 кишидан иборат эканлиги ва уларнинг барчаси ўзбеклар эканлиги қайд қилинган [32].

XX аср биринчи ярмида Пошхурдда тўртта қишлоқ мавжуд бўлган. Уларнинг иккитасида туркман, қолганларида хитой, қутчи ва баташ сингари ўзбек уруғлари яшашган. Қишлоқ ва унинг атрофи қалин боғлар билан ўралганлигидан минг уйли туташган боғ-чорбоғ номи билан машхур бўлган [33].

Пошхурд водийси шу ердан оқиб ўтадиган сой ва Уйбулоқ, Чиллабулоқ, Яккатут, Кўкчинор, Холожибулоқ, Анжиротабулоғи, Тулхотинбулоғи, Арабулоқ, Гулибулоқ, Йигитлик булоғи, Жумабулоқ, Хожибулоқ, Ковушбулоқ ҳамда Ҳалқазар булоқларидан сувланади.

Қорабоғ – Кўхитанг тоғининг шарқий қисмида жойлашган. Қишлоқ куюқ боғлар билан ўралган. Қорабоғ ўз навбатида Кориз, Камар, Гов, Қўриқ, Кам, Чорвоқэтак, Дўнггузар ва Хўжагузар қишлоқларидан ташкил топган. Аҳолиси ўзбек чигатойлар бўлиб, эшонлар, бегон тўдаси, куллар, авлоди боймурод, гов тўда, калтатой тўдаси, каллар авлоди, араблар, кулбурун тўдаси, этикчи, қалликўр авлоди, эрони, шихлар, чурчур, авлоди бегимқул, бойтўда, арслонбой, убадихўр, калхўжалар каби уруғларга бўлинади [34]. Қорабоғликларнинг тили кўп жиҳатдан Бухоро ва Қашқадарё аҳолисининг шевасига ўхшайди. Қишлоқ аҳолиси Ашрафбулоқ, Хўкизбулоқ, Жийдабулоқ, Мачитбулоқ, Коризбулоқ ҳамда Тошбулоқ сувларидан ичиш ва сувлаш учун фойдаланади.

Зарабоғ – Пошхурд яқинидаги қишлоқ. Аҳолиси ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи чигатойлардан иборат. XX аср бошларида бу ерда Бойгузар, Хўжа, Кенагас, Қайғу, Қутчи, Қатагон, Хазора, Хархур, Жўги, Хурўзак, Хўжагони қишлоқлари мавжуд бўлган. Бугунги кунда Кориз, Қўшчинор, Таллак, Гумбазота, Дамариқ, Шутурхўр, Чуқурбулоқ қишлоқларидан ташкил топган. Қишлоқ ерлари Гумбазбулоқ, Жўябулоқ, Раҳимбулоқ, Лолабулоқ, Қайғубулоқ, Хўжабулоқ, Чуқурбулоқ ва Шу каби 50 та булоқ сувларидан суғорилади.

Кампиртепа – Кўхитанг тоғининг шарқий ёнбағридаги қишлоқ. Шержон, Пошхурд, Зарабоғ ва Шалқон қишлоқлари билан чегараланади. Н.А.Маев қишлоқни Кампирбулоқ номи билан тилга олади. Кампирбулоқ Ҳозқишлоқдан 16-17 верст масофада жойлашган [35]. Кампиртепа қишлоқ сифатида фақат XX аср бошларига келиб тарихий манбаларда учрай бошлаган [36].

Кампиртепада кўнғиротларнинг ўювли уруғи ўрнашган. Бу ердаги ўювлилар – тўман октўннилар, орқасидўнг, авлачагир, ўтаб, тувма, Ҳамид бобо, бойавлод, октўнни, каничи, Жума бобо ва эшонлар каби уруғларга бўлинадилар [37].

Кампиртепа табиий сув манбаларига қараб Галатут, Қишлоқ, Мечили ва Хўжабешота қишлоқларига бўлинади. Бош сув манбалари Мечилисой ва Кампиртепасойдир. Аҳоли дара суви ва булоқлардан фойдаланиш мақсадида ўттиздан ортиқ катта-кичик ариқлар қазиганлар. Бундай ариқлар Галатутда 5 та, Қишлоқда 16 та, Мечилида 9 та бўлган. Кампиртепасойдан биринчи олинган булоқ Говхона ариғи бўлса, охиригиси Зарабоғ қишлоғига яқин жойларни

суғориш ва Зарабоғ қишлоғига сув ҳайдаш учун мўлжалланган Керагатош ариғи саналади. Энг узун ариқлар Аймақариқ ва Жайпат ариғи, қишлоқдаги Эшимтепаннинг ёнидан бошланган Эшимтепа ариғи, Кампиртепасойнинг чағот бетидаги Адоқариқ ҳамда Арғошкон ариқлари саналади. Уларнинг айримлари бир неча километрдан ҳам ошиб кетади [38].

Қизилолма – Кўҳитанг тоғи шарқидаги қишлоқ. Қишлоқ ўртасидан Қизилолмасой оқиб ўтади. Соининг кунчиқиш қисмида тортувлининг ўр уруғи, кунботар қисмида ойниниларнинг тўпор уруғи яшайди. Мазкур қишлоқ Бозортухум, Тортувли даҳаларига бўлинади. Аҳоли сув ичиш учун Ашурбулоқ, Тўтакибулоқ, Жанабулоқ, Қозонбулоқ, Кўрбулоқ, Қўшшабулоқ, Човқарбулоқ, Тиловбулоқ, Измабулоқ, Жийдабулоқ, Ботирбулоқ, Тиллабулоқ, Чўчкабулоқ, Хўжабулоқ, Дуйнахол, Шаршар, Кориз, Оллоз, Ғойибота, Қарангкўл, Тошбақа ва Бешбола сингари 22 та булоқдан фойдаланади. Қизилолмасой бош сув манбаи саналади. Ундан Саварариқ, Ўртаариқ, Эшонариқ, Кўчмастош ариқлари сув олади. Бундан ташқари, Қизилолма четида Тахлисой, Инғирчоқсой, Намозсой, Бешболасой, Қуруқсой, Дўланасой, Қарангкўлсой, Катта Шамолли, Кичик Шамолли, Заранглисой ҳамда Оқтошсой сингари сойлар мавжуд бўлиб, улар кўклам пайтида қор ва ёмғир сувлари билан тўлиб туради. Ёзда эса қуриб қолади [39].

Вандоб – Кўҳитанг тоғининг шарқий ёнбағрида жойлашган. Қишлоқда тожик чиғатойлар яшашади. Аҳоли ичиш ва суғориш учун Чашмдилли, Хилоба, Жирданак, Чилонота, Чашмиҳаёт, Чашминажот, Чашми полвон, Дарнов, Кўлкишлоқ, Бандибаланд, Дарғул, Олмабулоқ, Жийдабулоқ, Кампачинор, Богёроқ ва Боғисўхта каби булоқлардан фойдаланади.

Пошхурдсойдаги бир неча қишлоқнинг умумий номи Коризот бўлган. Унга Ғоз, Ёқуббойкориз, Оқтош, Олғуй, Ёрмакориз, Чорвоқкориз, Бўлаккориз, Каттақамиш ҳамда Кампирбулоқ қишлоқлари кирган. Бу қишлоқлар коризлар орқали сувлангани учун шундай деб номланган. Кориз – ер остидан ўтказилган ариқ, сув йўли. Бунда бир нечта кудук қазилиб, ер остидан бирлаштирилади [40].

Илк коризлар милоннинг бошларида қазилган. Кориз қазишда мураккаб техник асбобларидан фойдаланилган. Коризот қишлоқларида 7-8 тадан кориз бўлган, булар Зиндонкориз, Қизилбойкориз, Толкориз, Култепакориз, Ёмонкориз ва яна иккита кичик кориз бўлган. Зиндонкоризнинг узунлиги 2,5 км, чуқурлиги 22-25 метр, кудукларининг ҳар оралик масофаси 20, 22, 25 метр, диаметри 2,5 метр атрофида бўлган. Зиндонкориз бошқа коризлар ичида энг чуқур бўлганлиги учун ҳам шундай аталган. Қизилбой кориз узунлиги 8 км, кудукларининг ҳар ораси 8 – 10 м, диаметри 3 – 4 метр. Қизилбой кориз дастлабки даврда Ёқуббой кориз деб аталган. Ёқуббой деган киши уни қазишда бошчилик қилган экан. Кейинчалик бу коризлардан сув ичувчи қишлоқ номи билан Қизилбой деб аталган [41].

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда Шержон, Майдон ва Кайрит сингари унча йирик бўлмаган қишлоқлар ҳам бор. Шержон аҳолиси тожик-чиғатойлар ва хатакилардан (Шомурод хожи авлодлари) иборат. Қолган икки қишлоқда ўзбек чиғатойлар ва хатакиларнинг авлодлари яшашади.

Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолиси XIX аср охиридан бошлаб то XX аср ўрталаригача турли табиий офатлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида бошқа жойларга кўчиб туришган. Жумладан, 1893 йилда қурғоқчилик келиши муносабати билан Бедак қишлоғидан бир гуруҳ кишилар Қабодиён ва Шаҳритузга кўчишган. 1916 йили Хатак ва Хўжанқонда вабо тарқалиши, шунингдек, яшаш шароити оғир бўлганлигидан бир неча ўн хўжалик Қабодиён беклигига кетишга мажбур бўлган. Қабодиён беги уларга Кофирниҳон дарёси сўл қирғоғидаги тўқайзордан жой берган. Бу ерда Оқча қишлоғига асос солинган. 1929 йилда шу қишлоқда артель тузилган. Кейинчалик артель колхозга айлантирилиб, унга «Азамат» номи берилган. Колхоз 1930 – 1940 йилларда «Азамат», 1940 йилдан «Молотов», 1957 йилдан «Мехнат-роҳат» номлари билан аталган. 1951 йилда Кофирниҳон дарёси тошиши натижасида Оқча қишлоғи сув остида қолади. Шундан сўнг хатакилар бошқа жойга кўчиб ўтиб, Қўшчинор ва Дакка қишлоқларига асос солишган. Кейинчалик икки қишлоқ бирлашиб, Бештемир номини олган

[42]. 1991 йилда Ш.Сафаров томонидан ўтказилган рўйхат вақтида Бештемирда 357 та хатаки (78 та хўжалик) яшаши қайд этилган [43].

1927 йилги ер-сув ислохотлари даврида Зарабоғ, Қорабоғ, Пошхурд, Шержон ва Кампиртепа қишлоқларидан юзлаб кишилар Деновдаги янги ўзлаштирилган ерларга пахтачилик билан шуғулланишлари учун мажбуран кўчириб юборилган. Пошхурдликлар «Қизил Ўзбекистон», зарабоғликлар «Янги Намуна» ва «Қизил омов», шержонликлар ва кампиртепаликлар «Шержон» ва «Кампиртепа» деб аталувчи артелларга асос солишган. Тўғри, уларнинг бир қисми 1929 йилда ўз юртларига қайтиб кетишган. Бошқалари эса, Деновда қолишган [44].

1930-йиллардаги ялпи жамоалаштириш оқибатида юзлаб кишилар кулоқ сифатида Андижондаги Савай совхозига, Жарқўрғондаги Сурхон ва Қумқўрғон совхозларига, Деновдаги Ҳазорбоғ совхозига сургун қилинганлар. Бундан ташқари, 1936 йилги қурғоқчилик натижасида Калапўшқия, Нурали, Чоҳак, Чинор, Тошлик юрт, Зараутсой ва Хўжанқон қишлоқлари аҳолисининг катта қисми пастга кўчади. Чоҳак қишлоғи аҳолиси Термиз тумани «Намуна» колхозидagi «Партизан» ва «Правда» участкаларига, Зараутсой аҳолиси Қумқўрғон туманига, Тангидевон ва қисман Хатак аҳолиси Ангор туманидаги Хўжа Рўшноий мақбараси атрофига, яна бир қисм одамлар Жарқўрғонга [45], хомконлик қорақалпоқлар эса Тожикистоннинг Колхозобод, Шаҳартуз районларига кўчиб кетишган [46]. Тоғдан кўчирилганлар ҳозирги Ангордаги Зартепадан то Яккатутгача бўлган жойларда «Правда», Новшаҳарда «Янги турмуш», Хўжа Рўшноий мақбараси атрофида «Қизил юлдуз» колхозларига асос солишган [47].

1949 йилнинг 3 мартида Шеробод район ижроия қўмитаси «Таллимарон даштларини ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини экиш тўғрисида» қарор қабул қилади. Мазкур қарорга биноан тоғ зонасидаги Қизилолма, Шержон, Вандоб, Тангидевон, Хатак, Лайлаган, Қорабоғ, Пошхурд қишлоқлари ва пастки зоналардан Оқжар, Навбоғ, Гидамбоб, Хўжақия ва бошқа қишлоқларнинг аҳолиси Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Жарқўрғон туманлари ҳудудларида янги ташкил қилинган совхоз ва колхозларга кўчириш учун жалб қилинган [48].

1950 йилнинг март ойида тоғ аҳолиси ёппасига, мажбурий равишда ҳозирги Ангор тумани ҳудудига – Таллимарон массивига кўчирилди. Бу ерда «Коммунизм» колхози ташкил қилинади [49]. Хомкон аҳолиси Ангор туманининг Таллимарон, Жарқўрғон туманининг «Сурхон», «Коммунизм», Қумқўрғон туманининг «Беш қахрамон», Бандихон туманининг «Пахтакор», Қизириқ туманининг «Охунбобоев», Шеробод туманининг «Калламазор», «Таллашқон», Музрабод туманининг «Навбахор», «Навойи», Бойсун туманининг «Чилонзор» хўжалиқларига [50], Оқтош ва бошқа қишлоқлар аҳолиси эса, Термиз туманидаги Янгиариқ, шунингдек, Шеробод ва Ангорнинг янги тузилган колхозларига кўчирилган.

Қизилолма аҳолиси уч марта кўчган. Биринчи кўчиш 1950 йилда, иккинчиси 1953 йилда содир бўлиб, бунда қишлоқ аҳолиси Таллимарон массивида ташкил этилган «Ленин» номли колхозга юборилган. 1964 йил май ойида Музработ даштининг ўзлаштирилиши муносабати билан қишлоқнинг қолган аҳолиси янги ташкил этилган «Советобод» совхозига мажбуран жўнатилган [51].

Оммавий кўчирилиш оқибатида мазкур қишлоқлардаги асрий боғлар қуриди. Мевали дарахтлар аямай кесилди ва Шерободга ташиб келтирилиб ўтин ўрнида ёқилди. Шундай қилиб, кўчирмага дуч келган қишлоқлар маълум муддат тушкунликка учради. Боғлидара, Зараутсой, Калапўшқия, Қўшқалоқ, Оққишлоқ, Чоҳак, Пудинабулоқ, Чинор қишлоқлари қаровсиз қолиб, бутунлай харобага айланди.

1960-йилларга келганда ҳукумат томонидан тоғли ерларда чорвачиликни ривожлантириш ишлари бошлангач, қишлоқларнинг бир қисми яна қад кўтара бошлайди. Мустақиллик йилларида эса қишлоқлар янада гавжумлашиб, замонавий қиёфага кирди. 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, Кўхитангнинг Шўроб, Сайроб, Мунчок, Чилонзор, Панжоб ва Хомкон қишлоқлари Бойсун туманининг 3-секторига кириши ва уларда 2271 хўжалик, яъни, 2805 оила, 13413 киши яшаши аниқланган. Шундан 6538 нафари аёллардир [52]. Кўхитанг тоғининг Шеробод тумани таркибидаги қишлоқлари 4-сектор таркибида бўлиб, Ғуржак-2,

Узунсой, Қорабоғ, Хўжақия-2, Бойқишлоқ, Зарабоғ, Гулистон, Боғиобод, Пошхурд, Вандоб, Қизилолма, Чарбоғ, Учғоч маҳаллаларидан ташкил топган. Мазкур маҳаллалардаги 9394 хонадонда 11718 та оила, ёки 48973 нафар одам яшаши қайд этилган. Шундан 25081 киши эркаклар, 23892 киши аёллардир [53].

4. Хулосалар:

Хулоса қиладиган бўлсак, Кўхитанг қишлоқлари географик жиҳатдан қулай, муҳим қарвон йўллари ўтадиган йўл устида жойлашган бўлиб, бой табиий ва ишчи ресурсларига эга. Шу боис аҳоли турли даврларда муайян ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва табиий офатлар натижасида бошқа ўлкаларга кўчирилиб турилган. Бу эса, Кўхитанг қишлоқларига хос бўлган моддий ва маънавий маданиятнинг бошқа ўлкаларда ҳам тарқалишига сабабчи бўлган.

Иқтибослар/Сноски /References:

1. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач XX в). Материалы к исторической географии Средней Азии. –Ташкент: Университет, 2001. –С. 46, 114 (Settlements of the Bukhara Emirate (end of the 19th-beginning of the 20th century). Materials for the historical geography of Central Asia. –Tashkent: Universitet, 2001. –P. 46, 114).
2. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II, книга IX, округ Сурхандарья. – Самарканд, 1926. –С. 8 (Materials on regionalization of Uzbekistan. Issue II, book IX, Surkhandarya okrug. –Samarkand, 1926. –P. 8).
3. Кармышева Б. Х. Некоторые данные к этногенезу населения южных и западных районов Узбекистана // «Краткие сообщения Института этнографии АН СССР», XXVII, 1957. – С. 19 (Karmysheva B. Kh. Some data on the ethnogenesis of the population of the southern and western regions of Uzbekistan // «Brief reports of the Institute of Ethnography of the Academy of Sciences of the USSR», XXVII, 1957. –P. 19).
4. Кисляков Н.А. Сайробские таджики // Советская этнография. –Москва: Наука, 1965, №2. –С. 26 (Kislyakov N.A. Sairob Tajiks // Soviet ethnography. – Moscow: Nauka, 1965, № 2. – P. 26).
5. Материалы для статистики Туркестанского края. Под редакцией Н.А.Маева, Ежегодник. Выпуск V. –СПб, 1879. –С. 275 (Materials for statistics of the Turkestan region. Edited by N.A. Maev, Yearbook. Issue V. – St.Petersburg, 1879. – P. 275).
6. Населенные пункты Бухарского эмирата... –С. 100 (Settlements of the Bukhara Emirate... – P. 100).
7. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. II, книга IX, округ Сурхандарья... –С. 7 (Materials on regionalization of Uzbekistan. Issue. II, book IX, Surkhandarya district... –P. 7).
8. Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 году. –Ташкент, 1888. –С. 77 (Pokotilo N.N. Report on a trip to the limits of Central and Eastern Bukhara in 1886. –Tashkent., 1888. –P. 77).
9. Населенные пункты Бухарского эмирата... –С. 104 (Settlements of the Bukhara Emirate... – P. 104.).
10. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. II, книга IX, округ Сурхандарья... –С. 8 (Materials on regionalization of Uzbekistan. Issue. II, book IX, Surkhandarya district... –P.8).
11. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi-Nashr, 2014. –Б. 124 (Tursunov S., Tursunov A., Togaeva M. Clips from the history of Sherabad. –Tashkent: Yangi-Nashr, 2014. –P. 124).
12. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. II, книга IX, округ Сурхандарья... –С. 16 (Materials on regionalization of Uzbekistan. Issue. II, book IX, Surkhandarya district... –P. 16).
13. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А., Тоғаева М. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Муҳаррир, 2012. –Б. 98 (Tursunov S., Pardaev T.,

- Tursunov A., Togaeva M. History of intangible culture in the southern regions of Uzbekistan. –Tashkent: Muharrir, 2012. –P. 98).
14. Аноров Ж. Тангидара қалдирғочи. –Тошкент, 1998. –Б. 11 (Anorov J. Tangidara swallow. –Tashkent, 1998. –P. 11).
 15. Турсунов С., Пардаев Т., Курбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти— Сурхондарё этнографияси. –Тошкент, 2006. –Б. 126 (Tursunov S., Pardaev T., Kurbanov A., Tursunov N. History and culture of Uzbekistan - ethnography of Surkhandarya. –Tashkent, 2006. –B. 126).
 16. Федоров Н. Статистический очерк Гузарского бекства и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск 57. –СПб, 1894. –С. 200 (Fedorov N. Statistical essay of the Guzar beks and Kuvtang and Kallyuk amlakdars of the Kelif beks. // Collection of geographical, topographical and statistical materials on Asia. Issue 57. – St. Petersburg, 1894. – P. 200.)
 17. Сафаров Ш. Калламосор. Лайлаган. Элбегилар // Умаров И., Рахмонов Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент, 2014. –Б. 265 (Safarov Sh. Kallamozor. Lylagan. Elbegs // Umarov I., Rahmonov N., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (in the case of the Khataki tribe). –Tashkent, 2014. –P. 265).
 18. Федоров Н. Статистический очерк Гузарского бекства и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства... –С. 200 (Fedorov N. Statistical essay of the Guzar Beks and the Kuvtang and Kallyuk amlakdars of the Kelif Beks... –P. 200).
 19. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). –Москва: Наука, 1976. –С.201 (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan (according to ethnographic data). – Moscow: Nauka, 1976. – P. 201.)
 20. Сафаров Ш. Калламосор. Лайлаган. Элбегилар... –Б. 265 (Safarov Sh. Kallamozor. Lylagan. Elbegs... –P. 265).
 21. Қодиров Б. Чинор япроғи. –Тошкент, 2008. –Б. 250 (Kadyrov B. Maple leaf. –Tashkent, 2008. –P. 250).
 22. Қўнғиротов Н., Файзиев Х. Қўхитанг қатағонлари. –Тошкент: ILM-ZIYO ZAKOVAT, 2019. –Б. 12 (Konghirotov N., Fayziev Kh. Kohitang katagans. –Tashkent: ILM-ZIYO ZAKOVAT, 2019. –P. 12).
 23. Материалы по районированию Средней Азии. Книга 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. –Ташкент, 1926. –С. 261 (Materials on the regionalization of Central Asia. Book 1. Territory and population of Bukhara and Khorezm. Part 1. Bukhara. – Tashkent, 1926. –P. 261).
 24. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. II, книга IX... –С. 15 –16 (Materials on regionalization of Uzbekistan. Issue. II, book IX... –P. 15–16).
 25. Умаров И., Рахмонов Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент, 2014. –Б. 98-99 (Umarov I., Rahmonov N., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (in the case of the Khataki tribe). –Tashkent, 2014. –P. 98-99).
 26. Дала ёзувлари, Ш.Сафаровнинг шахсий архивидан фойдаланилди (Field notes, Sh. Safarov's personal archive were used).
 27. Мир Мухаммед Амини Бухари. Убайдулланаме. –Ташкент, 1957. –С.76-78 (Mir Muhammad Amini Bukhari. Ubaydullaname. –Tashkent, 1957. –P.76-78).
 28. Материалы для статистики Туркестанского края... –С. 160 (Materials for statistics of the Turkestan region... –P. 160).
 29. Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 году... –С. 60, 77 (Pokotilo N.N. Report on a trip to Central and Eastern Bukhara in 1886... – P. 60, 77).

30. Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар... –Б. 124 (Tursunov S., etc. Clips from the history of Sherabad... –P. 124.)
31. Материалы по районированию Средней Азии. Бухара... –С. 261 (Materials on the regionalization of Central Asia. Bukhara... –P. 261).
32. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. II, книга IX... –С.14 (Materials on regionalization of Uzbekistan. Issue. II, book IX... –P. 14).
33. Кармышева Б.Х. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южный районов Таджикистана и Узбекистана... –С. 129. (Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan... -P. 129).
34. Турсунов С. Сурхондарё этнографияси. –Тошкент: Tafakkur, 2020. –Б. 41 (Tursunov S. Surkhondaryo ethnography. –Tashkent: Tafakkur, 2020. –P. 41).
35. Материалы для статистики Туркестанского края... –С. 311 (Materials for statistics of the Turkestan region... –P. 311).
36. Населенные пункты Бухарского эмирата... –С. 71 (Settlements of the Bukhara Emirate... – P. 71).
37. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Кампиртепа қишлоғи, 2017 йил (Field notes, Sherabad district, Kampirtepa village, 2017).
38. Ёқубов Ш. Конпуртепа тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –Б. 98 (Yakubov Sh. Clips from the history of Konpurtepa. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2004. –P. 98).
39. Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Akademnashr, 2012. –Б. 49 (Tursunov S., Pardaev T., Mahmadiyoroova N. Surkhondaryo is an ethnographic place. –Tashkent: Akademnashr, 2012. –P. 49).
40. Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т., Холмонова Ф., Турсунов А., Махмадиярова Н., Нарзуллаева Н. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. –Термиз: Сурхон-Нашр, 2017. –Б. 124 (Tursunov S., Umarov I., Pardaev T., Kholmonova F., Tursunov A., Makhmadiyarova N., Narzullaeva N. Toponymic names and their history in Uzbekistan. – Termiz: Surxon-Nashr, 2017. –P. 124).
41. Қобулов Э.А. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси. –Тошкент, 2018. –Б. 124 (Qabulov E.A. Surkhan oasis economy in the second half of the 18th century - the beginning of the 20th century. Doctor of Science (DSc) Dissertation in History. -Tashkent, 2018. –P. 124).
42. Умаров И., Раҳмонов Х., Худойбердиев Э. Боғлидара одамлари. –Тошкент, 2014. –Б. 16 (Umarov I., Rahmonov H., Khudoyberdiev E. Boglidara people. –Tashkent, 2014. –P. 16).
43. Дала ёзувлари, Ш.Сафаровнинг шахсий архивидан фойдаланилди (Field notes, Sh. Safarov's personal archive were used).
44. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 668-иш, 188, 201, 246, 247, 257, 260-варақлар (Surkhondaryo regional state archive, fund-76, register 1, file 668, sheets 188, 201, 246, 247, 257, 260).
45. Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар... –Б. 192 ((Tursunov S., etc. Clips from the history of Sherabad... –P. 192).
46. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 386 (Tursunov S., Qabilov E., Murtazoev B., Pardaev T. History of Surkhondaryo. – Tashkent: Sharq, 2004. – P. 386).
47. Дала ёзувлари, Термиз шаҳри, 2020 йил ноябрь (Field Notes, Termiz City, November 2020).
48. Сафаров Ш. Унутилган гўша. «Қишлоқ ҳақиқати», 1991 йил, 1 февраль, № 27(Safarov Sh. A forgotten corner. «Qishloq haqiqati», February 1, 1991, № 27).
49. Ёқубова Д. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари (1930-1990 йилларда Сурхон воҳаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Термиз, 2021 йил. –Б.53 (Yakubova D. Establishment of cotton monopoly in Uzbekistan and its results (in the case of Surkhan oasis in 1930-1990). Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in History. – Termiz, 2021. –P.53).

50. Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 122 (Tursunov S.N. Kabilov E.O. Parдаev T.R. Murtazaev Z.M., Surkhondarya in the mirror of history. –Tashkent: Sharq, 2001. –P. 122).
51. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Қизилолма қишлоғи, 2022 йил (Field notes, Sherabad district, Kizilolma village, 2022).
52. Бойсун туман статистика бўлимнинг электрон маълумотномасидан олинди (Retrieved from electronic directory of Boisun District Statistics Office).
53. Шеробод тумани ҳокимлиги статистика бошқармасининг электрон маълумотномасидан фойдаланилди (The electronic directory of the statistics department of the Sherabad district administration was used).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000